

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib 30.03.**

РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАКСУДОВА ФЕРУЗА ТАИРОВНА

**ТАЖРИБАДАГИ ПОСТНАТАЛ ТУХУМДОНЛАР ПОЛИКИСТОЗИ
СИНДРОМИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ШАКЛЛАНИШИ МЕХАНИЗМИ
ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.16 – Нормал и патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Максудова Феруза Таировна

Тажрибадаги постнатал тухумдонлар
поликистози синдроми патогенетик шаклланиши
механизми ва унинг коррекцияси..... 3

Максудова Феруза Таировна

Патогенетические механизмы формирования
постнатального синдрома поликистозных
яичников в эксперименте и его коррекция..... 27

Maksudova Feruza Tairovna

Pathogenetic mechanisms of formation
of a post-natal syndrome of polycystous
ovaries in an experiment
and its correction..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.Tib 30.03.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МАКСУДОВА ФЕРУЗА ТАИРОВНА

**ТАЖРИБАДАГИ ПОСТНАТАЛ ТУХУМДОНЛАР ПОЛИКИСТОЗИ
СИНДРОМИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК ШАКЛЛАНИШИ МЕХАНИЗМИ
ВА УНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Tib518 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Зокиров Ёрқин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нажмутдинова Дилором Қамариддиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871 150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.У. Ирискулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё олимлари орасида муҳим тиббий муаммолардан бири – аёллар репродуктив саломатлиги ҳолатини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.¹ АҚШ ва Европа мамлакатлари ҳамда Австралияда фертил ёшдаги аёллар орасида тухумдонлар поликистоз синдроми (ТПКС) 6–9% дан 19,9% гача, менструал циклининг бузилиши 17,4% дан 46,4% гача, гиперандроген – 72,1% дан 82% гача, анавулятор бепуштлик – 55% дан 91% гача ҳолатда аниқланган.² Бугунги кунда аёлларда бепуштлик каби фертиллилик бузилишига олиб келувчи энг кўп учровчи сабабларидан бири бу эндокрин профил механизмларининг бузилиши, жумладан, тухумдонларнинг поликистоз синдроми ҳисобланади. ТПКСнинг полиэндокрин патологияли эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтда ёғ тўқимаси ва буйрак усти бези, тухумдонлар, гипоталам-гипофизар тизим иштироки билан шаклланивчи синдромлар механизмини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда³. Патологиянинг этиологияси ва патогенезини яхшироқ тушуниш имконини берувчи инсон иштирокидаги илмий тажрибаларни ўтказишда чегаралар мавжудлиги уларни лаборатория ҳайвонларида ўтказиш заруриятини юзага келтирди.

Жаҳонда тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланишининг патогенетик механизмлари ва уни коррекциялаш юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада урғочи каламушларда ҳомиладорлик натижаларига экспериментал гиперандрогенизация таъсири, қорин ичи гиперандрогенизланган авлод постнатал ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, ТПКСли каламушлар буйрак усти бези, ёғ тўқимаси ва жигар, тухумдонлар морфологиясининг ўзига хос хусусиятлари, гиперандрогенли каламушларда эндокрин профили динамикасини ўрганиш, синдромнинг шаклланишида липид ва углевод алмашинув кўрсаткичлари ўзгаришининг шзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг инсулинрезистентлик билан алоқаси баҳолаш, ТПКСни ривожланишини секинлаштиришда даволаш самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланишининг патогенетик механизмлари ва уни коррекциялаш ҳамда бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни татбиқ

¹Адамьян Л.В., Андреева Е.Н., Гаспарян С.А. и соавт. Синдром поликистозных яичников в репродуктивном возрасте. Клинические рекомендации. - М., 2015.– 22 с.;

²Панарина О.В., Рашидова М.А., Бельнская Л.В., Трофимова Т.А. Современные представления о патогенезе синдрома поликистозных яичников. Acta biomedica scientifica, 2017, Том 2, №4. С. 9–14.

³Randeva HS, Tan BK, Weickert MO, Lois K, Nestler JE, Sattar N, Lehnert H (2012). Cardiometabolic aspects of the polycystic ovary syndrome. Review of Endocrinology, 33 (5), 812–41;

етиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш, генларга боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»га қаратилган муҳим вазифалар қўйилган.¹ Ушбу вазифаларни бажариш турли касалликларни профилактикалаш ва ташхислаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланишининг патогенетик механизмларини чуқур ўрганиш, уни коррекциялашга ёрдам беради ва шу орқали аёлларда касалланиш даражасини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот марказларида ТПКСни шаклланиш механизмлари ва уларни коррекция қилиш йўллари излашни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда (Fauser B. C., Tarlatzis B. C., Rebar R. W., (2012) Consensus on women's health aspects of polycystic ovary syndrome (PCOS) the Amsterdam ESHRE/ASRM-Spon-sored 3 rd PCOS Consensus Workshop Group). Маълумки индивидумни кўп омилли патологияга, жумладан ТПКСга мойиллигида ташқи муҳит омилларининг таъсири ва организм конституцияси каби омиллари муҳим аҳамият касб этади. Организмга ташқи муҳит омилларининг таъсири қанчалик жадал бўлса, касалликни ривожланиш эҳтимоли шунча юқори бўшлади. ТПКСни шаклланиш генезида асосий ўринни гипоталамо-гипофизар тизимнинг марказий бўлимлари даражасидаги эндокрин бузилишларга ажратилади, улар тухумдонлар, буйрак усти безлари ва б. ўзгаришларда модификатор ролини ўйнайди (Адамян Л.В. ва б., 2014, 2015). Сўнгги йилларда юқори технологияларга асосланган инновацион технологиялар янада кенгроқ ўрганилмоқда ва бу шаклланиш механизми, ривожланиш хавфини башоратлаш, ташхислаш, даволаш ва касалликнинг олдини олиш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олувчи персонифицирланган тиббиёт асосларни ишлаб чиқишга яқинлашиш имконини беради.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

Ўзбекистонда, ТПКСли аёллар орасида гипофиз-гонадалар ўқининг функционал ҳолатини ўрганишга бағишланган, ТПКСли аёлларда Кушингнинг субклиник синдроми кечишининг ўзига хос хусусиятлари ва сонини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Ю.М.Ўрмонова ва бошқалар).

ТПКСни ривожланишини патогенетик аспектларини ўрганиш бўйича тадқиқот натижаларини мавжуд бўлган нашрларда яқуний хулоса қилиш имконини бермайди, бу билан боғлиқ ҳолда ТПКСни тажрибада ривожланишига олиб келувчи механизмларини ўрганиш долзарб бўлиб, унинг асосида генезнинг кам ўрганилган томонларини очиб бериш имконияти ва касалликни коррекциялаш йўллари кидириб топиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда ТПКСни ривожланиш механизмларини ўрганишга оид инновацион ва илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш бўйича самарали усуллар яратилмоқда.

ТПКС ривожланишининг турли жиҳатларини ўрганиш бўйича ечимини топмаган саволлар, карама-қарши натижалар унинг патогенетик асосларини атрофлича ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида бундай тадқиқотлар ТПКСни башоратлаш, олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг ППИ–149 «Касалликлар профилактикаси, дифференциал терапия усуллари ҳамда даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, генетик полиморфизм таъсири асосидаги атроф-муҳит омилларининг нохуш таъсири ва инсон организми патологик ҳолатининг бошқа детерминантлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот иши режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тухумдонларнинг постнатал поликистоз синдромини шаклланишини патогенетик механизмларини ўрганиш асосида уни коррекция қилиш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Xiao-Yan Wu et al. (2010) бўйича гиперандрогенизация усули билан ТПКСнинг тажриба моделини яратиш;

урғочи каламушлардаги ҳомиладорлик яқунига тажриба гиперандрогенизацияси таъсири ва қорин ичи гиперандрогенизланган авлод постнатал ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

ТПКСли каламушлар буйрак усти бези, ёғ тўқимаси ва жигар, тухумдонлар морфологиясининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

гиперандрогенли каламушлар эндокрин профили динамикасини ўрганиш, унинг тухумдонлар поликистоз синдроми ривожланишидаги хавф билан боғлиқлигини белгилаш;

тухумдонлар поликистоз синдроми шаклланишида углевод ва липид алмашинув кўрсаткичлари ўзгаришининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг инсулинрезистентлик билан алоқасини баҳолаш;

ТПКС секинлашишини ривожлантиришда метформин самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академияси виварийси шароитида бўлган урғочи каламушлар (n=96)–пренатал гиперандрогенизирланган ҳомиладор каламушлар авлодлари (n=90) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ТПКСни ҳомиладорлик якуни ва авлодни ривожланиши, тажриба ҳайвонларининг гормонал, углевод ва липид статуси асосий кўрсаткичларини миқдорий аниқлашга кўрсатадиган таъсирини баҳолаш; ТПКС ривожланишини секинлаштириш усулларини излаш ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида экспериментал, морфологик, биокимёвий ва статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

каламушлар гиперандрогенизацияси асосида каламушлардаги ҳомиладорлик кечишининг ўзига хос патогенетик хусусиятлари, пренатал гиперандрогенизацияланган авлодни постнатал ривожланишидаги ўзгаришлари асосланган;

тажриба шароитида тухумдонлар, жигар, буйрак усти бези, ёғ ва скелет мушак тўқималари тузилишининг морфологик ўзига хослигини баҳолаш асосида тухумдонлар поликистоз синдроми ривожланишига пренатал гиперандрогенияни ўрни исботланган;

каламушлардаги қорин ичи гиперандрогенизациясини таъсири орқали тухумдонлар поликистоз синдроми ривожланишида гормонал, углевод ва липид статусини ўзаро боғлиқлиги асосланган;

жигар, тухумдонлар, ёғ тўқимаси, буйрак усти бези ва скелет мушакларининг структурасида морфологик ўзгаришлари гормонал, углевод ва липид дисбаланси билан ўзаро алоқаси экспериментал тухумдонлар поликистоз синдроми репродуктив ва метаболик бузилишлар патогенезидаги ўрни асосланган;

тухумдонлар поликистоз синдроми шаклланишини патогенетик механизмлари асосида касалликда бузилишларини коррекция қилишда метформинни ижобий таъсир механизми асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиперандрогенизирланган ҳайвонлар пренатал авлодларининг постнатал ривожланиши ўзига хосликларини ўрганиш, анамнезида гиперандрогения мавжуд бўлган ТПКС ривожланишини клиник башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам берган;

ТПКСнинг клиник кечиш вариантларини ўз вақтида башорат қилиш даволашнинг янада мос бўлган тактикасини аниқлаш, бепуштлиқ даражасини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш учун моддий сарф-харажатларни камайтириш имконини берган;

олинган натижалар соҳага тегишли олий ўқув юртлари ва умумий амалиёт врачлари, эндокринологлар ва гинекологларнинг дипломдан кейинги таълим муассасалари ўқув жараёнида қўлланилиши мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сони етарлилиги, тухумдонлар поликистоз синдроми шаклланиши ва коррекциялашнинг патогенетик механизмларини ўрганишда адекват ва юқори даражада махсус замонавий усулларнинг қўлланганлиги, экспериментал, морфологик, биокимёвий ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти тажрибада ТПКСнинг патогенез механизмларга тавсифи сезиларли даражада кенгайтирилганлиги, экспериментал гиперандрогенияда морфологик ва биокимёвий ўзгаришлар орасидаги алоқа аниқланганлиги, касаллик ривожланишидаги ҳавф омиллари, шунингдек, касалликни коррекциялаш усуллари асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти экспериментал модел асосида касалликда юзага келадиган ўзгаришларни коррекциялашда терапевтик ёндашувнинг асосланганлиги ва ташхислашнинг такомиллаштирилганлиги ТПКСли беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тажрибада тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланишининг патогенетик механизмлари ва уни коррекциялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Тажрибада тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланиш механизмларини ўзига хослиги ва уни коррекция қилиш» услубий қўланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/360 -сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўланма аёлларда тухумдонлар поликистоз синдроми натижасида юзага келадиган бепуштликни олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

«Семириш ва аёлнинг репродуктив саломатлиги» услубий қўланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 28 октябрдаги 8м-/160-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўланма моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган семириш, аёлларда андроген гормонларининг миқдорининг ошиши ва ҳайз бузилиши ва бепуштликни олдини олиш механизмларини самарали татбиқ қилишга имконини берган;

тажрибада тухумдонлар постнатал поликистоз синдромини шаклланиш механизмларини ўзига хослиги ва уни коррекция қилиш самарасини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси олий ўқув юртлиаро илмий лабораторияси, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-р/360-сон маълумотномаси). Олинган натижаларини амалиётга жорий этилиши метформинни қўллаш натижасида эркин адрогенлар миқдорининг меъёрлаштирилиши, эстроген гормонининг тикланиши ва бунинг натижасида ФСГ даражасининг ортиши; фолликулаларининг этилиши даражасининг меъёрлашиши орқали тухумдон поликистози билан аёллар сонини камайтириш ва беморлар яшаш сифатини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланиши патогенетик механизмларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби учта кичик бўлимлардан ташкил топган бўлиб, унда тухумдонлар поликистоз синдроми патофизиологик асослари бўйича маълумотлар, синдромнинг умумий муаммолар ҳолати, шунингдек, тажрибада тухумдонлар поликистоз синдроми ривожланиш механизмлари келтирилган. Илмий натижаларда акс этмаган масалалар ажратилган. Касалликни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларининг

афзалликлари ва камчиликлари кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг «Тухумдонлар постнатал поликистоз синдроми шаклланишининг патогенетик механизмларини ўрганиш ва уни коррекциялашнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида экспериментал материал, ТПКС моделлаштириш бўйича тадқиқот дизайни ва тадқиқот усуллари батафсил баён этилган.

Ҳайвонларда олиб борилган барча муолажалар 1985 йилда халқаро илмий ташкилотлар Кенгаши (CIOMS. Geneva, 1985) томонидан тиббий биологик тадқиқотларни ҳайвонларда олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган халқаро тавсиялар (этик кодекс)га мос ҳолда олиб борилди.

ТПКСнинг тажриба модели Xiao-Yan Wu et al. (2010)га мос ҳолда яратилган. Усул асосида касаллик индукцияси ҳомиладорликнинг 16–19 кунни ҳомиладор каламушларга 1 мл кунжут ёғида эритилган эркин тестетеронни (5 мг) киритиш йўли билан ҳосил қилиш ётади; натижада гиперандрогенизирланган урғочи каламушлар авлодида ТПКС ривожланди. Айнан шу авлодлар ушбу тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланди.

Тадқиқот мақсадига мос ҳолда ҳомиладор урғочи каламушлар ҳомиладорликнинг 15 -кунда 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (интакт гуруҳ) – 30 нафар ҳомиладор каламуш; 2-гуруҳ (таққослаш гуруҳи) – 30 нафар ҳомиладор каламуш киритилган бўлиб, уларда ҳомиладорликнинг 16 ва 19-кунларида тери остига 1,0 мл кунжут ёғи юборилди; 3-гуруҳ (асосий гиперандрогенизацияланган гуруҳ) – 30 нафар ҳомиладор каламушлардан иборат бўлиб, уларга ҳомиладорликнинг 16–19-кунларида тери остига 1,0 мл кунжут ёғида эритилган 5 мг эркин Т (Т–1500; Сигма) юборилди.

Ҳар бир гуруҳда 48 нафардан урғочи каламушлардан иборат бўлган иккинчи ва учинчи гуруҳдаги Т₂ урғочи каламушлар 2 кичик гуруҳга ажратилди: 2А (n=32) ва 3А (n=32) кичик гуруҳлари юқори калорияли парҳезга ўтказилди (High-Fat Diet (HFD)) (5,24 ккал/г: ёғлар 60%, углеводлар 20% ва оқсиллар 20%); 2Б (n=16) ва 3Б (n=16) кичик гуруҳлар одатдаги овқатланиш рационида бўлди (RD) (3,30 ккал/г: ёғлар 15%, углеводлар 62% ва оқсиллар 23%).

Экспериментал ТПКСда бузилишларни коррекциялашда метформиннинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида 60 яшаш кундан бошлаб 2А ва 3А кичик гуруҳ ҳайвонлари яна икки кичик гуруҳга бўлинди. 2А₁ (М) (n=6) ва 3А₁ (М) (n=6) кичик гуруҳ ҳайвонлари метформинни бир ой давомида 40 мг/кг/сутка дозада қабул қилдилар, 2 А₂ (Н₂О) (n=6) ва 3А₂ (Н₂О) (n=6) кичик гуруҳи эса метформин қабул қилмади.

Каламушларнинг 60 ва 90 яшаш кунда енгил эфир наркози остида уларнинг сўйилиши амалга оширилди. Алоҳида пробиркага ҳайвонлар қони йиғилиб, 15 дақиқа давомида 1000 айл/дақиқасига центрифугалаш йўли билан зардоби ажратиб олиниб, 20°С да сақланди.

Илмий ишни бажаришда комплекс тадқиқот усуллари қўлланилди: биокимёвий тадқиқот усуллари таркибига эндокрин профил, липид ва

углевод алмашинув кўрсаткичларини ўрганиш киритилди; гормонларни тадқиқ қилиш Германиянинг «Human» фирмаси стандарт жамланмаларини қўллаш йўли билан шу фирма томонидан ишлаб чиқилган иммунофермент анализаторда иммунофермент тадқиқ қилинди. Бунинг учун пролактин, лютеинзацияловчи гормон (ЛГ), фолликуллостимулловчи гормон (ФСГ), эстрадиол, умумий тестостерон, кортизол, дегидроэпиандростерон сульфат (ДРЭАс) ва инсулин миқдори аниқланди. Ҳайвонлар қон зардобдаги липид алмашинув ҳолатини ўрганиш мақсадида умумий холестерин миқдори (УХС), триглицеридлар (ТГ), холестерин (ХС), жуда паст липопротеидлар (ЖПЗЛ), паст (ПЗЛП) ва юқори зичлиги липопротеидлар (ЮЗЛП) «Mindray» MR (Германия) автоматлаштирилган биокимёвий анализаторида Германиянинг «Human» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган махсус реактивлар жамланмаси ёрдамида аниқланди. Олинган маълумотлар асосида Н.К.Климов, Н.Г.Никульчева (1995) усули бўйича атерогенликнинг холестерин коэффициенти ҳисобланди.

Углевод алмашинувини баҳолаш қон зардобдаги глюкоза ва С реактив оксил (СРб) миқдорини ўрганиш асосида амалга оширилди, улар Германиянинг «Human» фирмаси томонидан таклиф этилган автоматлаштирилган биокимёвий анализаторда «Mindray» MR (Германия) махсус реактивлар жамланмаси ёрдамида аниқланди. Ушбу кўрсаткичларга қўшимча равишда НОМА (Homeostasis Model Assesment of Insulin Resistance) ва Саго индекслари ёрдамида инсулинрезистентлик (ИР) мавжудлиги аниқланди.

Морфологик тадқиқот усуллари.Пренатал гиперандрогенизацияланган ҳайвонларда жигар, тухумдонлар, скелет мушаклари, ёғ тўқимаси ва буйрак усти безининг структур компонентларининг морфологик ва морфометрик таҳлили ўтказилди. Декаптациядан сўнг жигар, тухумдонлар, скелет мушаклари, ёғ тўқимаси ва буйрак усти беги тўқималаридан олинган бўлакчалар 48 соат давомида 10% ли нейтрал формалин эритмасида фиксацияланди, 2–4 соат давомида оқиб турган сувда ювилгандан сўнг хлороформ ва ошиб борувчи концентрацияли спиртда сувсизлантириш ўтказилди, сўнг унга мум билан парафин қуйилди. Парафинли блоклардан қалинлиги 5–8 мкм ли гистологик кесмалар тайёрланди, улар эса қуйидаги гистологик ва гистокимёвий усуллар билан бўялди: умумий морфология учун гематоксилин ва эозин билан бўялди; мукополисахаридлар ва гликогенни аниқлаш учун – ШИК реакция усулидан фойдаланилди; коллаген толаларни аниқлаш учун – Ван-Гизон усулидан фойдаланилди. Ёруғлик микроскопияси «NOVEL» (Хитой) фирмасининг фотомикроскоп остида 10 окулярда ва 20, 40 ва 90 объективда ўтказилди; кесманинг маълумот берувчи қисмлари суратга туширилди ва кейинчалик қайта ишланди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium – IV персонал компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишлаш функцияларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «Урғочи каламушлар ҳомиладорлиги якуни ва авлод постнатал ривожланишига гиперандрогенизациянинг таъсири»

деб номланган учинчи бобида урғочи каламушларда хомиладорлик якуни ва авлоднинг постнатал ривожланишига гиперандрогенизация таъсирининг таҳлил натижалари маълумотлари ёритилган.

3.1. Гиперандрогенизацияланган урғочи каламушлар хомиладорлик кечиши ва якунларининг ўзига хос хусусиятлари. Гестациянинг 16–19-кунида бўлган хомиладор каламушларда экспериментал гиперандрогенизация хомиладорлик якунига, шунингдек, туғруқдан кейинги даврда урғочи каламушларни ўзини тутишига салбий таъсир кўрсатди. Бунда ушбу гуруҳга кирувчи каламушлар хомиласининг жисмоний ривожланиши (оғирлиги ва тана узунлиги) 1 ва 2-гуруҳга кирувчи хайвонлар хомиласига нисбатан ишончли равишда, ўртача 1,75 ва 1,19 марта паст натижага эга бўлди. Тажриба гуруҳида ўлик хомидалар сони $84,5 \pm 1,82$ ни ташкил этди (барча янги туғилганларнинг 57%и), бу гиперандрогенизациянинг салбий таъсири билан боғлиқ, шу билан бир вақтда қолган гуруҳларда ўлик хомидалар аниқланмади.

3.2. Пренатал гиперандрогенизацияланган урғочи хайвонларнинг умумий постнатал ривожланиши. Бачадон ичи гиперандрогенизацияланган урғочи каламушлар постнатал ривожланишини ўрганиш шуни кўрсатдики, биринчи ҳафта давомида барча учта кузатув гуруҳида ҳам туғилган авлод орасида (T_2) авлодларнинг ўлиши кузатилди, улар қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланди: 1-гуруҳда – 2; 2-гуруҳда – 3; 3-гуруҳда – 17 нафар каламуш болалари ўлган. Бундан келиб чиқадиги, биринчи гуруҳда яшовчанлик 99,08%, 2-гуруҳда – 95,4%, 3-гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 86,3% ни ташкил этди. Туғилганининг 14-кунидан сўнг 3 гуруҳдаги каламуш болаларининг жисмоний ривожланиши биринчи ва иккинчи гуруҳга исбатан сезиларли даражада паст бўлди (1-жадвал).

1- жадвал

Туғилганининг 14-кунида бачадон ичи гиперандрогенизацияланган каламушларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (T_2), (M+m)

| Хайвонлар гуруҳи | Тана вазни, г | Кетле индекси | Тана узунлиги, см | Дум узунлиги, см |
|------------------|---------------|---------------|-------------------|------------------|
| 1-гуруҳ | 59,4+0,006 | 3,9+0,005 | 12,4+0,008 | 9,5+0,005 |
| 2-гуруҳ | 59,2+0,006* | 3,9+0,003 | 12,4+0,007 | 9,5+0,008 |
| 3-гуруҳ | 47,1+0,45*** | 3,8+0,036*** | 11,2+0,006*** | 8,7+0,007*** |

Эслатма: * – 1 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги (* – $P < 0,05$; *** – $P < 0,001$).

Хайвонлари гуруҳига мос ҳолда туғилганининг 30-кунига келиб T_2 урғочи каламушлар T_1 «она» урғочи ва T_2 эркак жинсидаги каламуш болаларидан ажратилди, T_2 ни турли овқатланиш рационига ўтказиш мақсадида барча 2 ва 3-гуруҳга кирувчи хайвонлар қўшимча равишда яна икки кичик гуруҳга бўлиб чиқилди: 2А (n=36) ва 2Б (n=12); 3А (n=36) ва 3Б

(n=12) (А кичик гуруҳи НFD липид парҳезига ўтказилди, Б кичик гуруҳи эса RD одатий овқатланиш рационада бўлди).


Туғилганидан бошлаб икки ой давомида ҳайвонлар устида олиб борилган кузатувлар шуни кўрсатдики, 2-гуруҳга кирувчи каламушларда жадал суратда тана оғирлиги ошиб борди, аммо биринчи гуруҳ каламушларига нисбатан уларнинг фаоллик даражаси пасайди. Демак, 60-кунга келиб, 2А кичик гуруҳидаги ҳайвонларнинг тана оғирлиги 1-гуруҳдаги каламушларнинг тана оғирлигига нисбатан 1,3 мартага, 3А кичик гуруҳига нисбатан эса 1,6 мартага ошди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, овқат таркибида ёғнинг юқори миқдорда бўлиши 2 ва 3-гуруҳнинг А кичик гуруҳига кирувчи каламушлар тана оғирлигининг 60-кунга келиб 26,9% ва 37,5% га ортишига олиб келади ($P \leq 0,001$), бу танадаги ёғ депоси ортиши билан боғлиқ бўлди, бундан умумий ёғ тўқимаси массаси 1,3 дан 1,6 марта ортишидан далолат беради ($P \leq 0,001$). Бу ҳолат стандарт парҳезде бўлган биринчи гуруҳ каламушлари натижалари билан таққослаб ҳайвонларда ўтказилган патологоанатомик тадқиқотларда аниқланган.

Каламушларнинг репродуктив тизим ривожланиш ҳолатининг ўзига хосликларини ўрганиш натижасида шу аниқландики, пренатал гиперандрогенизация улардаги репродуктив тизим ривожланишининг издан чиқишига олиб келади (жинсий етилиш юзага чиқишининг ортда қолиши ва диэструс фазаси ҳисобига эстрал цикллар фазасини узайиши).

3.3. Пренатал гиперандрогенизирланган каламушлар органларининг морфологияси. Жигарнинг морфологик Гиперандрогенизацияда жигарнинг морфологик структурасини ўрганишни таҳлил қилиш натижасида гепатоцитларни майда ёки йирик томчили ёғ дистрофияси кўринишидаги диффуз дистрофик ўзгаришлари ривожланиши аниқланди, улар кўпроқ учинчи централобуляр функционал минтақада ва кам ҳолларда жигар бўлмаларининг 2 оралик функционал минтақасида жойлашади. Жигар паренхимасининг ёғли дистрофияси липоген некроз централобуляр ўчоқларининг юзага келиши, липофусцин пигментининг цитоплазмада тўпланиши, гликоген тўпланиш ҳисобига ядролар кариоплазмаси вакуолизацияси билан бирга кечади. Жигар тўқимаси томир-стромал компоненти томонидан эозинофиллар, макрофаглар аралашмаси билан перипортал лимфоид инфилтрациянинг ривожланиши қайд этилди, шунингдек, баъзида номахсус гранулема шаклланиши кузатилди. Цитоплазмадаги макрофаглар липидоген пигментлар сақлайди. Бўлмалараро ўт йўлларида тез-тез холестаз қайд этилди. Шу нарсани таъкидлаш зарурки, гиперандрогенизациянинг барча ҳолатларида перипортал лимфоид инфилтрация таркибида шиш, миксаматоз, мукоидизация ва бириктирувчи тўқима липоматози билан бир қаторда етилган хужайралар аниқланди. Каламушларнинг пренатал гиперандрогенизацияси тухумдонлар структурасида сезиларли ўзгаришларга олиб келди ва уларнинг вазифаси бузилишига ҳам сабаб бўлди. Юзага келган ўзгаришлар таққослаш ҳамда назорат гуруҳларига нисбатан солиштирилганда фолликулалар атрезияси ва

бўшлиқ фоликулаларида кўплаб кисталар ривожланиши оқибатида фоликулаларнинг умумий сони камайиши мавжудлиги билан тавсифланди. Фолликуляр киста шаклланиши каламушларнинг жинсий етилиши бузилиши ҳамда мос ҳолда юқорида келтириб ўтилган диэстураснинг узайган фазалари аниқланиши, шунингдек ушбу тадқиқот давомидаги кузатувларда пренатал гиперандрогенизирланган гормонал фонда кейинчалик келтириладиган ўзгаришлар асоси бўлиши мумкин.



1-расм. Каламуш тухумдони фолликуласини цитоскопияси:
А – фолликуланинг атрезияси, Б – тухумдон фолликуласининг шаклланиши.

Пренатал гиперандрогенизирланган ҳайвонларда скелет мушакларини морфологик ўрганиш дистрофик, деструктив дисрегенератор ўзгаришлар тарқалиши ва ривожланиши яққол намоён бўлишини аниқлади. Бунда ўраб турган фасция ва интерстициал бириктирувчи тўқима томонидан строма-томир оксил ташкиллаштирилмаган ҳолатлар, атрофдаги бириктирувчи тўқима томонидан эса ёғ тўқимасининг ўсиши ва мушак хужайраларида паренхиматоз оксил дистрофияси ривожланиши қайд этилди. Гиперандрогенизация учун хос бўлган ушбу патоморфологик ўзгаришлар атрофия, метабolik меолиз ва склет мушакларининг ўчоқли некрози, лимфогистиоцитар хужайраларнинг жавоб яллиғланиш инфильтрацияси ривожланиши билан кузатилди.

Ёғ тўқимасини морфологик кўриниши бириктирувчи тўқимали қатламлар қаватида бирламчи ривожланувчи патоморфологик ўзгаришлар ва томирлар атрофида думалоқ хужайралар кўринишида ҳамда лимфогистиоцитар хужайралар пролифeрацияси билан тавсифланди. Шу билан бирга томирлар кенгайиши, уларнинг деворлари юққалашиши ва периваскуляр бўшлиқда диапедез қон қуюлишларнинг ривожланиши кузатилди. Ёғ тўқимаси таркибида кўп томчили қўнғир ёғ тўқимаси миқдори кескин ортиб, эндокрин безга бўлмачалар ва ацинусларни эслатувчи кўриниш берди.

Пренатал гиперандрогенизацияланган каламушларни морфологик тадқиқ қилиш, ҳайвонлардаги буйрак усти безларида барча зоналарнинг

сезиларли морфологик қайта қурилиши юзага келиши, паренхиматоз ҳужайралар цитоплазмалари вакуолизациясининг кучайиши кўринишидаги дистрофик ва деструктив ўзгаришлар тавсифланиши, интерстициал тўқимада қон қуюлишлар ва томирларда тўлақонлик ҳамда яққол намоён бўлган кенгайишни хулосалаш имконини берди.

Диссертациянинг «Каламушлардаги эндокрин профил, углевод ва липид алмашинуви кўрсаткичлар ҳолатига пренатал гиперандрогенизация таъсири ва уларни коррекциялаш усуллари» деб номланган тўртинчи бобида пренатал гиперандрогенияни эндокрин профил, липид ва углевод алмашинуви кўрсаткичлари ҳолатига таъсири, шунингдек, аниқланган бузилишларни бартараф этишда метформин самарадорлигини баҳолаш борасида олиб борилган ишлар келтирилган.

4.1.Каламушлар ҳаётининг 60-кунда эндокрин профил кўрсаткичлар ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари. Пренатал гиперандрогенизацияланган ҳайвонларда эндокрин профилини ўрганиш натижалари таҳлили пролактин ва ЛГ даражаси ортиши билан тавсифланувчи сезиларли ўзгаришларни кўрсатди, улар ўртасида ижобий корреляцион алоқа аниқланди. Бу эса ўз навбатида тухумдонларда фолликулаларнинг ўсиши бузилиши ва кейинчалик уларда кистоз атрезиялар ривожланишига олиб келди. Бу ўзгаришлар ФСГ миқдори пасайиши билан бирга кузатилди. ФСГ даражаси паст бўлган фонда гранулёз ҳужайраларда ароматаз фаоллик пасайиши юзага келди, у эса андрогенларнинг эстерогенларга трансформацияланиш механизмига сабаб бўлди ва бунинг натижасида андрогенлар тўпланиши ва эстерогенлар етишмовчилиги юзага келди. Мазкур жараёнлар гранулёз ҳужайралар атрофиясига олиб келиб, ФСГ ажраб чиқиш даражасини янада кўпроқ пасайтирди, шу билан бирга ТПКСни янада гиперандрогенияга олиб келди (2-жадвал).

2 жадвал

Тажрибанинг 60 кунда тадқиқ қилинаётган гуруҳ ҳайвонлари қон зардобда ўрганилаётган гормонлар ўртача катталигининг якуний белгилари, (M±m)

| Ҳайвонлар гуруҳи | Эстрадиол, (pg/ml) | Тестостерон, (ng/ml) | Кортизол, (mg/dl) | ДНЕА-с, (mkg/ml) |
|--------------------------|-----------------------|-------------------------|----------------------|---------------------|
| 1 гуруҳ (интакт), (n=20) | 46,9±1,3 | 0,38±0,011 | 62,7±1,2 | 1,3±0,10 |
| 2 гуруҳ А (HFD), (n=12) | 81,6±1,6*** | 0,46±0,02* | 73,0±1,3*** | 1,6±0,11* |
| 2 гуруҳ Б (RD), (n=12) | 47,0±1,6 | 0,39±0,01 | 63,6±2,0 | 1,5±0,08 |
| 3 гуруҳ А (HFD), (n=12) | 211,4±2,1*** | 0,98±0,09*** | 193,4±6,5*** | 3,1±0,08*** |
| 3 гуруҳ Б (RD), (n=12) | 97,5±3,3*** | 0,81±0,05*** | 163,7±4,3*** | 2,8±0,14*** |


Эслатма: * – интакт гуруҳ кўрсаткичига нисбатан ишончилиги (* – P<0,05; ** – P<0,01; *** – P<0,001).


Шу билан бирга эстрадиол ва тестостерон, шунингдек, ўзаро ижобий корреляцион алоқада бўлган буйрак усти беги гармонлари белгиларининг ишончли ортиши кузатилди. Тестостерон миқдорининг ортиши тестостеронэстрадиол-боғловчи глобулин (ТЭСГ) синтези пасайиши

ҳисобига юзага келган бўлиши мумкин. Аниқланган фактлар фолликулогенездаги чуқур ўзгаришлардан далолат беради, бу эса морфологик тадқиқотларда буйрак усти беши ва тухумдонларда структур ўзгаришлар аниқланиши билан тасдиқланди.

4.2. Ҳаётининг 60 кунда пренатал гиперандрогенизацияланган каламушларда липид алмашинув кўрсаткичларининг ўзига хос хусусиятлари. Липидли парҳезда бўлган 2А ва 3А кичик гуруҳлардаги ҳайвонларда липидли спекторни ўрганиш, уларда гипертриглицеридемия, гиперхолестеринемия, ЮЗЛПларнинг камайиши фонида ПЗЛП ва ЖПЗЛП даражаси ортишини кўрсатди. Бу тажрибанинг 60 кунда атерогенлик индекси ортишига олиб келди. Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, пренатал гиперандрогенизацияланган каламушларда метаболик синдромга хос аралаш типдаги дислипидемия ривожланади (IV–V типлар), бу эса каламушларда ТПКС ривожланишида асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади (2-А ва Б расмлар).

Ҳайвонларда дислипидемия ривожланишида гиперандрогенизациянинг аҳамияти бевосита унинг липид алмашинувига таъсири билан аниқланди. Бир томондан гиперандрогенизация ЖПЗЛП синтези ортиши ва ПЗЛП диссемиляцияси пасайишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида андрогенизирланган ҳайвонлар қон зардобида ПЗЛП ва ЖПЗЛП даражаси ортишига олиб келади; иккинчи томондан эса гиперандрогенизация ЮЗЛП синтези пасайишига олиб келиши мумкин. Ўз навбатида инсулин даражасининг ортиши липид алмашинуви бузилишини чақиритиши мумкин, бунинг натижасида эса қон зардобида ёмон ва фойдали холестерин ўртасидаги корреляция бузилиши, яъни ЛПнинг атероген фракцияларини ортиши (ЖПЗЛП, ПЗЛП) ва антиатероген ЮЗЛП даражасининг пасайиши юзага келади.





2-А ва Б расм. Ҳайвонлар гуруҳ ида липид спектори кўрсаткичларини қиёсий тавсифи.

Олиб борилган ушбу илмий-тадқиқотда яна бир муҳим жиҳат аниқландики, у ҳайвонлардаги липид метаболизмининг яққол намоён бўлган бузилиши, ҳайвонларда юзага келган семириш ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ушбу фактни семириш ҳолати кузатилган 2А ва 3А кичик гуруҳидаги ҳайвонларда дислипидемиянинг яққол намоён бўлган даражаси ортиши тасдиқлайди. Демак, семириш кузатилган ҳайвонларда ХС ва ТГнинг ўртача миқдори сезиларли даражада юқори бўлди, ЛПВПнинг ўртача миқдори эса семириш кузатилмаган ҳайвонларга нисбатан солиштирилганда ишончли бўлди (1-гуруҳ ва 2Б кичик гуруҳ), бунинг оқибатида эса 2А да атерогенликнинг холестерин коэффиценти ишончли ортиши қайд этилди (мос ҳолда 2,1 ва 2,2 марта) ва 3А кичик гуруҳда бу натижа (мос ҳолда 2,12 ва 2,3 марта юқори)га эга бўлди.

Липидлар метаболизми бузилиши, шунингдек, ФСГ даражасининг пасайиши пролактин даражасининг ортишини кучайтириши мумкин, бундан кўрсатилган гормонлар концентрацияси билан ЮЗЛП ўртасидаги корреляцион алоқа қайд этилганлиги далолат беради ($r=-0,35$, $r=0,60$ ва $r=0,30$ га мос ҳолда), ПЗЛП билан пролактин ва ФСГ ўртасида ($r=-0,31$ ва $r=-0,43$ га мос ҳолда) ва ЖПЗЛП билан пролактин ва ФСГ ўртасида ($r=0,26$ ва $r=-0,68$ га мос ҳолда).

Қондаги атерогенликнинг холестеринли коэффиценти ортиши эстрадиол ва тестостерон таъсири остида ҳам бўлиши мумкин, буни эстрадиол билан ПЗЛП ва ЖПЗЛП ўртасидаги ижобий корреляциянинг мавжудлиги ҳам тасдиқлайди ($r=0,56$ ва $r=0,34$); ТГ билан тестостерон ва ЮЗЛП ўртасида ($r=0,52$ ва $r=0,41$). Эстрадиол ва умумий холестерин ($r=-0,27$), тестостерон ва умумий холестерин ($r=-0,27$) орасида аниқланган

салбий корреляция ушбу гормонларнинг липидлар метаболизмига кўрсатадиган юқори даражадаги салбий таъсирдан далолат бериши мумкин. Липидлар метаболизми бузилишлари ривожланишига қўшадиган ҳиссаси, ДНЕА-с ва ТГ концентрацияси ортиши орасида ижобий корреляцион алоқанинг аниқланганлигидан далолат беради ($r=0,43$ га мос ҳолда). Шу билан боғлиқ ҳолда келтирилган маълумотлардан пренатал гиперандрогенизацияланган хайвонларда липид алмашинуви бузилиши мураккаблашишида гормонал статуснинг ўрганилган кўрсаткичларининг юқори даражада аҳамияти эканлиги кўриниб турибди.

Шундай қилиб, пренатал гиперандрогенизацияланган каламушларда умумий холестерин, триглицеридлар ва атерогенликнинг холестеринли коэффициенти даражаси ортишининг юқори даражада бўлишига қондаги липид статус бузилиши хос бўлиб, булар семириш ҳолати кузатилган хайвонларда яққол намоён бўлди, улар эса эндокрин профил ўзгаришларини мураккаблаштирди. Бунда семириш қўшимча нохуш омил сифатида юзага келиб, липид бузилишлар ҳолатини мураккаблаштирди.

